

ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ЕВРОПАДА КЎП ТИЛЛИЛИК МАСАЛАЛАРИ

*Абдурахим Насиров – ЎзДЖТУ проректори
филология фанлари доктори, профессор
a.nasirov@uzswlu.uz, + 998998574213*

Аннотация:

Мазкур мақолада Ўзбекистонда ва Европада кўп тиллилик масалалари таҳлил қилинган. Ўзбекистон кўп миллатли давлат унда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Халқимиз қадимдан билингвизм, ўзбек -тожик, ўзбек-козоқ, қирғиз-ўзбек, қорақалпоқ-ўзбек ёки 3 та тилда бемалол яъни қўшимча рус тилида ҳам бемалол гаплашиб келган. Шу ҳолатда яна инглиз, немис, француз, корейс, хитой, араб, япон каби тилларни ўрганиш орқали кўп тиллилик соҳибларига айланиб бормоқда. Дунёга очилган янги Ўзбекистон учун кўп тилларни билиш бугун ҳар доимгидан ҳам зарур. Бу борада хорижий, жумладан Европа тажрибасини ўрганиш, кўп тиллилик муҳитида хорижий тилларни ривожлантиришнинг инновацион ва интегротив муаммолари устида илмий изланишлар олиб бориш бир қатор муаммоларга ечим бўлади.

Калит сўзлар: *иккитиллилик, кўптиллилик, таълим тизими, она тили, чет тили, миграция, интеграция, бағрикенглик, тил амалиёти, меҳнат бозори*

Аннотация: В данной статье анализируются проблемы многоязычия в Узбекистане и Европе. Узбекистан – многонациональная страна, где проживают более 130 национальностей и народов. Наш народ издревле свободно владел двуязычием: узбекско-таджикским, узбекско-казахским, киргизско-узбекским, каракалпакско-узбекским или 3 языками, то есть, кроме того, русским. В этом случае они становятся многоязычными, изучая такие языки, как английский, немецкий, французский, корейский, китайский, арабский и японский. Знание многих языков сегодня как никогда важно для нового Узбекистана, открывшегося миру. В связи с этим изучение зарубежного, в том числе европейского опыта, проведение научных исследований по инновационным и интегративным проблемам развития иностранных языков в полиязычной среде станет решением ряда проблем.

Ключевые слова: *билингвизм, многоязычие, система образования, родной язык, иностранный язык, миграция, интеграция, толерантность, языковая практика, рынок труда.*

Abstract. This article analyzes the issues of multilingualism in Uzbekistan and Europe. Uzbekistan is a multi-ethnic country, where more than 130 nationalities and peoples live. Since ancient times, our people have been fluent in bilingualism, Uzbek-Tajik, Uzbek-Kazakh, Kyrgyz-Uzbek, Karakalpak-Uzbek or 3 languages, that is, in addition, Russian. In this case, they are becoming multilingual by learning languages such

as English, German, French, Korean, Chinese, Arabic, and Japanese. Knowing many languages is more important today than ever for the new Uzbekistan that has opened up to the world. In this regard, studying foreign, including European experience, conducting scientific research on innovative and integrative problems of developing foreign languages in a multilingual environment will be a solution to a number of problems.

Key words : *bilingualism, multilingualism, education system, mother tongue, foreign language, migration, integration, tolerance, language practice, labor market*

Ўзбекистонда кўп тиллилик

Икки ва ундан ортиқ тилни билгувчи ва ушбу тилларда гапира олувчилар бу кўп тилли шахс ҳисобланади. Ўзбекистонда катта қисм аҳоли ўзбек-рус, ўзбек-тожик, ўзбек-қозоқ, қорақалпоқ - ўзбек, қорақалпоқ – ўзбек – қозоқ - рус, қирғиз-ўзбек, туркман - ўзбек каби тилларида бемолол гаплашади. Чунки қадим-қадимдан ота-боболаримиз туркийда гаплашиб, форс ва араб тилларида ижод қилиб, илм-фан ривожига тамал тошини қўйган халқларнинг давомчиларимиз. Шу боисдир балким, бугунги ёшлар нафақат ўз она тилини, балки жаҳон тилларини ҳам ўрганишга қаттиқ бел боғлаган.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев чет тилларни ўрганиш зарурлиги хусусида: “...буюк маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Беҳбудий ўз даврида икки эмас, тўрт тилни билиш керак, деганлар, Беҳбудийнинг бу даъвати бугун ҳам долзарбдир” дейди. Ўша замонда 4 та тил дейилганда араб, турк, форс ва рус тили назарда тутилган [1].

Энг аввало, она тилимизни мукамал билиш, ундан ташқари, инглиз, немис, француз ва бошқа ғарбу-шарқ тилларини ўрганишни такомиллаштириш зарур. ЎзДЖТУда 17 та хорижий тилни биринчи ва иккинчи чет тили сифатида ўқитиб келмоқдамиз. Тиллар оила аъзолари каби бир-бири билан боғлиқ.

Собиқ иттифок даврида барчамиз рус тилини ўргандик, рус тилида ишладик. Юртимизда Мустақиллик даврининг 20-йилларига келиб хорижий тилларни ўрганишга бўлган эътибор янада кучайди, мактабларда 1-синфдан чет тиллари ўқитиш йўлга қўйилди (2012 йилгача 5-синфдан ўқитилган).

Натижада, бугунги кунга келиб ёшлар ўз она тилиси, рус тили, инглиз немис, француз, испан, италян тилларида, кимлардир ўзбек-тожик-рус-инглиз тилларида бемолол гаплашмоқда.

Ўзбекистон умумий ўрта таълим мактабларида таълим 7 тилда (*ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман*) олиб борилади ва давлат томонидан ҳар бир миллат вакиллари ўз она тилидаги дарсликлар билан таъминланади.

Мана шу муҳит - **Ўзбекистондаги кўп тиллилик муҳити** ҳисобланади.

Дунёда, жумладан Ўрта Осиёда интенсиф миграция жараёнлари ёшлардан бир давлатдан бошқасига бориб яшаш, ишлаш ва ўқиши учун айнан шу жамиятга

сингишиб кета олиш қобилиятларини ривожлантиришни талаб этади, шулар каторида ўша давлат аҳолиси гаплашадиган тилни билиши керак.

ЮНЕСКО маълумотиغا кўра, дунёда 200 дан ортиқ давлат ва турли тилларда гаплашувчи 5000 мингдан ортиқ халқ бор. Дунёдаги 90% давлатларда кўпмиллатлилик ва кўптиллилик ҳолати мавжуд. Ўзбекистонда толерантлик, бағрикенглик, бошқа миллат вакилларининг тилини, динини, маданиятини камситмаган ҳолда уларга шарт шароитлар яратиш масаласи Ўзбекистон-2030 стратегиясида белгилаб қўйилган. [2]

Инсон биринчи навбатда ўз она тилини яхши билса, мантиқий фикрласа, ўрганаётган чет тил(лар)ни ўзлаштириши осон бўлади. Чунки тил ўрганувчида, қиёслаш имконияти бўлади, ўзида бор бўлган, хотирасида жо бўлган билимлар устига ўрганаётган чет тилидаги лексик бирликлар ва ўша тил қоидалари қўшилади. Иккинчи тил ва иккинчи маданиятни ўрганувчи - ўз она тили ва маданияти бўйича эга бўлган малакасини йўқотмайди.

Европада кўп тиллилик ва таълим

Франциянинг Лимож университети профессори **Роман Марти Солананинг** фикрича, кўп тиллилик феноменининг **тўртта ўлчови** мавжуд: сиёсий, таълимий, маданий, касбий ўлчовлар.

1. Кўп тиллиликнинг сиёсий жиҳати - бир нечта хорижий тилларни билишни тарғиб қилиш имконини берувчи ҳуқуқий механизмлар. Бу борада Европа Иттифоқи доирасида тил сиёсати ва кўп тиллилик бўйича Европа Хартиясини амалга ошириш учун масъул бўлган Европа Кенгаши фаолият юритади.

2. Таълимнинг барча босқичларида ўқувчи/талабалар ўртасида икки ва ундан ортиқ чет тилларни ўқитиш масаласини мувофиқлаштириш;

3. Кўп тиллиликнинг маданий жиҳати (адабий, илмий, тарихий, географик, бадий, фольклор, аудиовизуал ва б) тилларни билиш ва ўрганишга хос бўлган экстралингвистик жиҳатлар;

4. Профессional ўлчов, бунда ходимни ишга қабул қилиш жараёнида кўп тилни билишига эътибор қаратилади. [3]

Икки ва ундан ортиқ чет тилини ўқитиш **Европа мактабларида** яхши йўлга қўйилган: ўқувчилар бошланғичда ўз она тили (француз), биринчи чет тили (инглиз), 5-синфдан бошлаб иккинчи чет тили (испан) ҳамда юқори синфда ихтиёрий учинчи чет тили(хитой)ни ўрганишади. Инглиз тилида сўзлашмайдиган Европа мамлакатларида биринчи тирик тил (L1) сифатида инглиз тили устунлик қилади. Ўқувчилар учун 6-синфдан бошлаб тилини ўрганаётган кўшни давлатларга саёҳатлар ташкил этилади.

Европада **олий таълимда** кўп тиллилик доирасида талабалар, тадқиқотчилар, ўқитувчилар бир ёки бир нечта хорижий тилларни ўзлаштиришлари мумкин.

Олий таълимда LANSAD – (*langue pour spécialistes d'autres disciplines, бошқа фанлар мутахассислари учун тил*), дастури ўрта таълимда ўрганган чет тилининг

давоми сифатида йўлга қўйилган. Кўп тиллилик нафақат лингвистик маҳорат, балки маданий, ижтимоий ва профессионал капитал ҳисобланади.

Франция университетларида бакалаврият ва магистратурада “Амалий хорижий тиллар” курси мавжуд. Унинг мақсади тадбиркорлик дунёсига, халқаро маркетинг, импорт ва экспорт хизматларига интеграциялашишга тайёр бўлган кўп тилли мутахассисларни тайёрлаш. Ўрганган чет тили орқали талаба ишлаб чиқариш корхоналарида тил амалиёти ҳамда касбий амалиётни ўтайди, шу тариқа бир вақтнинг ўзида иккита чет тилини ўрганиш ва "қўллаш" кўникмасига эга бўлади.

Яна бир тажриба Франция университетларида LEA – (*Langues étrangères appliquées-Қўлланиладиган чет тиллари*). Бу таълим тури ҳам турли соҳаларда қўлланиладиган иккита чет тилини ўрганишга мўлжалланган. LEA курси амалий фанлар (*ҳуқуқ, иқтисод, менежмент, халқаро савдо техникаси, алоқа, таржима воситалари ва техникаси, АКТ ва бошқалар*) билан боғлиқ камида иккита замонавий чет тилини ўз ичига олади. Франциянинг Лимож университетида “Маданиятлараро менежмент” магистри мутахассислиги бўйича таълим олувчилар Германия, Италия, Испания, Швейцария меҳнат бозорларида амалиёт ўтайди ва эҳтиёжга жавоб берадиган кадрлар бўлиб етишади. [4]

Фанда кўп тиллилик.

Дунё бўйлаб тадқиқотчиларни бирлаштирадиган ҳамда тадқиқот лойиҳалари ва нашрларини илгари сурувчи иккита илмий уюшма мавжуд. Булар Европа фразеология жамияти (EUROPHRAS) ва Халқаро паремиология ассоциацияси. Биринчиси фразеология, идиомаларни, иккинчиси эса паремиология ва сўз бирикмаларини ўрганишга қаратилган. Биринчисидан тўртта расмий тил: немис, инглиз, француз ва испан тиллари, иккинчисидан эса иккита, инглиз ва португал тиллари мавжуд. [5]

Таклифлар

1) Ўзбекистон мактабларида таълим 7 та тилда, лицей, коллеж ва ОТМларда 3 та тилда, мактабда қозоқ, қирғиз ёки тожик тилида ўқиган абитуриент, олий маълумотли инженер бўлмоқчи бўлса, у ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида ўқиши керак, кўп тилликнинг узвийлиги йўқ. Ушбу масалани ечими сифатида мактабларда ҳам кўп тиллилик масаласини жорий этиш керак. (Уйгур мактаби мисоли)

Бу бўйича илмий ишлар қилиш, айрим мактабларда кўп тиллилик дастурини тажриба синовдан ўтказиш таклиф этилади. Масалан битта қирғиз мактабида 5-синфдан бошлаб дарсларни паралелл равишда қирғиз ва ўзбек тиллаида, 7-синфга бориб эса **ўзбек-қирғиз ва инглиз** тилларида ташкил этиб кўриш мумкин.

2) Ўзбек тили давлат тили сифатида ва ўзбек тили она тили сифатида ўқитилишидаги ёндашувларда фарқлар ўз ечимини топмаган.

3) Рус тилининг мақоми масаласи ечилмаган– у юртимизда хорижий тилга қирадимми ёки йўқми? РКИ (русский как иностранный) методика номи жорий этилди, лекин...

4) ЎзДЖТУда иккита чет тилини ўқитиш масаласи ҳам такомиллаштиришга муҳтож. Йўналишлар кесимида соатларда сезиларли даражада фарқлар бор, қайта кўриб чиқилиши керак, агар 2 та чет тили мутахассислигини беримокчи бўлсак, уни ўқитишни яхшилаш лозим.

5) Президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактабларда инглиз тилида математикани, физикани, биологияни инглиз тилида ўқитадиган кадрларни биз қачон тайрлайдиган бўламиз? CLIL кадрларини Ўзбекистонга ким тайёрлаб беради?

6) Биз учун олий таълимда бош қотирадиган яна бир масала бор. **Социолингвистик терминлар** луғатини ўзбек тилини кўшган ҳолда тайёрлаш керак, чунки *давлат тили, иккинчи тил, мақсадли тил, расмий тил, она тили, чет тили / хорижий тил, биринчи чет тили, иккинчи чет тили, интеграллашган таълим*, CLIL (предметно-языковое интегрированное обучение) каби терминлар бир бирига зид равишда ишлатилиб келмоқда. [6]

7) Кўп тиллилик таълим шароитида иккитилилик ва маданиятлараро компетенцияларни ривожлантириш масаласида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Хулоса

Ўзбекистон барча давлатлар билан очиклик сиёсатини амалга оширмоқда. Халқаро муносабатлар, талаба ва профессор ўқитувчилар алмашуви, талабалар мобиллиги, ёшларнинг бошқа мамлакатларга кўчиб ўтишга, у ерда ўз ҳаёти ва карьерасини қуришга академик, касбий ва айниқса руҳий жиҳатдан тайёр бўлишлари – бугунги кун талабига айланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳмудхўжа Бехбудий. Икки эмас, тўрт тил керак. Ойна журнали, 1913 й.
2. Стоянова А, Глушкова М, Как разработать и внедрить устойчивую программу многоязычного образования. Бишкек. 2016. 245 с.
3. Ramon Marti Solano. Le plurilinguisme en Europe et dans le monde universitaire français. <https://hal.science/hal-03737345>. Submitted on 24 Jul 2022
4. Association nationale des langues étrangères appliquées, <https://anlea.org/lailea/charte-delailea/> (consulté le 08/09/2021)
5. « En Europe, l'anglais gagne du terrain », publié par La Recherche, dans son numéro 429, le 1er avril 2009.
6. Juillard, Caroline. 2021. Plurilinguisme, Langage et société hors-sér